

Ширин сўз - муваффақиятлар калити



18:02 / 30.10.2018 6979

Оилада ёки жамиятда содир бўладиган катта-кичик жанжалларни диққат билан кузатар эканмиз, уларнинг кўпчилигига асосан қўпол сўз ва ёмон муомала сабаб бўлаётганига гувоҳ бўламиз. Ўйламай гапириб қўйилган бир оғиз сўз катта-катта жанжалларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Ширин сўз кўпгина муваф-фақиятларнинг омилidir. У тараққий этган жамият ташкил этишнинг асосларидандир. Шунинг учун ҳам бу нарсага барча тарбиячилар ва ислоҳчилар катта аҳамият берадилар. Улар доимо кишиларни бошқаларга яхши сўзларни айтишга, мулойим гапиришга ундайдилар. Яхши, мулойим гапириш инсоннинг обрўсини орттиради, атрофига яхши дўстларни йиғади, барчанинг хурматига сазовор қилади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло кишиларни ширинсўз бўлишга чақиради:

﴿٥٣﴾ مُيِّنَا عُدُوَّ الْإِنسَانِ كَانَتِ الشَّيْطَانُ إِنَّ بَيْنَهُمْ بِنَزَعِ الشَّيْطَانِ إِنَّ أَحْسَنُ هِيَ الَّتِي يَقُولُوا الْعِبَادِي وَقُلْ

«Бандаларимга айтгин, улар энг гўзал бўлган нарсани айтсинлар. Албатта, шайтон ораларини бузиб турадир. Албатта, шайтон инсон учун очиқ-ойдин душмандир» (Исро сураси, 53-оят).

Аллоҳ ушбу оятда мусулмонларни ўзаро суҳбатларида, гап-сўзларида ширинсўз бўлишга буюради. Агар улар буйруққа итоат этмай, ёмон сўзларни ихтиёр қилсалар, албатта, шайтон ораларини бузади ва натижада ёмонлик ва душманлик содир бўлади. Бошқа бир оятда Аллоҳ шундай марҳамат қилади:

حُسْنًا لِلنَّاسِ وَقُولُوا

«Ва одамларга яхши гаплар айтинг» (Бақара сураси, 83-оят).

Аллоҳ таоло кишиларни паст овоз билан сўзлашга ундайди. Чунки ширинсўзлик шуни тақозо қилади. Овозини баралла қўйиб, бақириб-чақириб сўзлашни эса эшакнинг ҳанграшига ўхшатади:

﴿١٩﴾ الْحَمِيرِ لَصَوْتِ الْأَصْوَاتِ أَنْكَرَ إِنَّ صَوْتِكَ مِنْ وَأَغْضَضَ مَشِيكَ فِي وَأَقْصِدْ

«Юришингда мўътадил бўл ва овозингни пасайтир. Чунки овозларнинг энг ёмони эшакнинг овозидир» (Луқмон сураси, 19-оят).

Аллоҳ таоло кишилар билан сўзлашаётганда, муомала қилаётганда очиқ юзли бўлишни буюради ва қўполликдан қайтаради. У Зот Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга қарата шундай дейди:

حَوْلِكَ مِنْ لَا تَنْفُضُوا الْقَلْبِ غَلِيظَ فَظًا كُنْتَ وَلَوْ لَهُمْ لِنْتَ اللَّهُ مِنْ رَحْمَةٍ فِيمَا

«Аллоҳнинг раҳмати ила уларга мулойим бўлдинг. Агар қўпол, қалби қаттиқ бўлганигда, атрофингдан тарқаб кетар эдилар» (Оли Имрон сураси, 159-оят).

Демак, мусулмон одам ҳар доим хушмуомала, ширинсўз бўлиши лозим. Бежизга бу сифат Қуръони каримда тилга олинмаяпти. Бу нарсалар ҳаётда

тинчлик ва бахт-саодатни орзу қилган ҳар бир жамият учун зарурдир.

“Иймон” китобидан